4-10-2310/534-сонли иш

А Ж Р И М

(даъводан воз кечишни қабул қилиш ва иш юритишни тугатиш тўғрисида)

Protected by PDF Anti-Copy Free

(Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)

Гулистон шаҳри **2024 йил 16 январ**

Сирдарё вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати, судья Б.Исаковнинг раислиги остида, котиб Ш.Ж.нинг катта ёрдамчиси А.Хамдамовнинг суд мажлиси котиблигида, **Б** иштирокида, даъвогар қали "ДДД" компанияси вакили Р.С, Хитой фуқароси ЧЧЧ вакили С.А иштирокида, даъвогар "ДДД" компанияси ва "ЖЖЖ" МЧЖ иштирокчиси, Хитой фуқароси ЧЧЧ нинг "ЖЖЖ" МЧЖ иштирокчиси А.Б.Т. ва "ҚЖЖ" МЧЖга нисбатан 2022 йил 27 декабрда тузилган Меморандумни хақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича қўзғатилган иқтисодий ишни ўз биносида, очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Даъвогар "ДДД" компанияси ва "ЖЖЖ" МЧЖ иштирокчиси, Хитой фуқароси ЧЧЧ судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар "ЖЖЖ" МЧЖ иштирокчиси А.Б.Т. ва "ҚЖЖ" МЧЖга нисбатан 2022 йил 27 декабрда тузилган Меморандумни хақиқий эмас деб топишни сўраган.

Суд мажлиси вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор этилган жавобгарлар суд мажлисида вакили иштирокини таъминламади.

Бундай ҳолатда суд, Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси *(бундан буён матнда ИПК)* 170-моддаси талаби доирасида, ишни улар иштирокисиз кўриб чиқишни лозим топади.

Даъвогар "ДДД" компанияси вакили Р.С 2024 йил 16 январда ариза билан мурожаат қилиб, даъво аризасидан воз кечишини ва иш юритишни тугатишни сўраган.

Суд мажлисида даъвогар вакили Р.С ариза тақдим этиб, даъво аризасидан воз кечишини билдириб, уни қабул қилишни ва иш юритишни тугатишни сўради.

Суд мажлисида иштирок этган Хитой фуқароси ЧЧЧ вакили С.А хам даъводан воз кечишни қабул қилишни ва иш юритишни тугатишни сўради.

Суд тарафлар вакилларининг кўргазмаларини тинглаб, даъвогарнинг аризасини ҳамда ишдаги мавжуд ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга асосан даъвогарнинг даъводан воз кечиш тўғрисидаги аризасини қабул қилиб, иш юритишни тугатишни лозим топади.

Аниқланишича, даъвогарнинг аризаси ва уларнинг суд мажлисида берган кўргазмаларига кўра тарафлар низони ўзаро келишув йўли орқали хал этишга келишган. Шу боисдан даъвогар ўз даъвосидан воз кечган.

ИПКнинг 157-моддаси иккинчи қисмига асосан даъвогар ишни ҳар қандай инстанция судида кўришда тегишли суд инстанциясида ишни кўриш якуни бўйича чиқариладиган суд ҳужжати қабул қилингунига қадар даъводан тўлиқ ёки қисман воз кечишга ҳақли.

Суд, даъвогарнинг даъводан воз кечиши қонун ҳужжатларига хилоф эмаслиги ҳамда бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига таъсир қилмаслигидан келиб чиқиб, даъвогарнинг даъводан воз кечишни қабул қилишни ҳамда иш юритишни тугатишни лозим топади.

Protected by PDF Anti-Copy Free
(Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)

ИПКнинг 110-моддаси 6-бандига асосан даъвогар даъвосидан воз кечган ва суд уни қабул қилган бўлса, иш юритишни тугатади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2020 йил 19 декабрдаги “Иқтисодий ишлар бўйича суд харажатларини ундириш амалиёти тўғрисида” 36-сон қарори 18-бандида даъвогар (аризачи) арз қилган талабларидан воз кечганда у қилган харажатларнинг ўрни жавобгар томонидан қопланмаслиги ҳақида тушунтириш берилган.

Шу сабабли суд, даъвогар томонидан олдиндан тўланган 3 300 000 сўм давлат божи ва 33 000 сўм почта харажатларини даъвогар зиммасида қолдиришни, ВКА билан боғлиқ 85 000 сўм суд харажатларини жавобгар “ҚЖЖ” МЧЖдан ундиришни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси 110, 111, 118, 157, 195-моддаларини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Даъвогарнинг даъводан воз кечиши қабул қилинсин ва иш юритиш тугатилсин.

Олдиндан тўланган суд харажатлари даъвогар зиммасида қолдирилсин.

Жавобгар “ҚЖЖ” МЧЖдан ишни ВКА режимида кўрилганлик учун 85 000 сўм суд харажатлари ундирилсин.

Ижро варақаси берилсин.

Иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

Судья : **Б. Исаков**